



ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАСНИФЛАНИШИ

Мардонов Баходир Бахронович

Зармед университети Илмий ишлар ва Инновациялар бўйича проректори, доцент и.ф.д.

Email: jpardayev-95@mail.ru

Изланувчи. Пардаев Жахонгир Собиржон ўғли

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/633

Аннотация

Ушбу мақолада таълим хизматларининг турлари келтирилган ва уларнинг аҳамияти ёртилган. Шунингдек, хориж мамлакатларнинг таълим турлари ўрганилган ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинган. Таълим хизматларининг турлари бўйича такомиллашган таснифлагичи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, таълим хизматлари, таълим хизматлари турлари, даромад, иш ҳақи, инсон капитали, меҳнат ресурслари, таълим хизматлари экспорти, ижтимоий хизматлар.

КЛАССИФИКАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ ПО ВИДАМ

Аннотация

В данной статье перечислены виды образовательных услуг и подчеркнута их значимость. Также анализируются достижения и недостатки изучаемых видов образования в зарубежных странах. Разработан усовершенствованный классификатор по видам образовательных услуг.

Ключевые слова: ВВП, образовательные услуги, виды образовательных услуг, доходы, заработная плата, человеческий капитал, трудовые ресурсы, экспорт образовательных услуг, социальные услуги.

CLASSIFICATION OF EDUCATIONAL SERVICES BY TYPE

Abstract

This article lists the types of educational services and emphasizes their importance. The achievements and shortcomings of the studied types of education in foreign countries are also analyzed. An improved classifier for types of educational services has been developed.

Key words: GDP, educational services, types of educational services, income, wages, human capital, labor resources, export of educational services, social services.

Кириш

Ҳозирги даврда тараққиёт кўп жиҳатдан инсон ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланишига боғлиқ эканлиги ҳақидаги тезиснинг нечоғлиқ тўғри эканлиги ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Айнан инсон омили билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, яъни инсонларнинг меҳнат соҳасидаги маънавияти, уларнинг билим ва илмий салоҳияти, қобилияти, иқтисодий фаоллиги

кабилар иқтисодий тараққиёт, фарвонлик ва мамлакатлар хавфсизлигини таъминловчи омиллар қаторидан бўлиб юзага чиқмоқда. Ушбу муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда таълим хизматлари, унинг ривожланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат ресурсларининг мутлақ миқдори ҳамда унинг сифати иқтисодий ўсиш суръатларини эмас, балки ялпи ички маҳсулот хажмини ўстириш имкониятларини белгилайди. Бу имкониятлар ишлаб чиқаришнинг реал натижаларида ўз ифодасини топиши, яъни иқтисодий ўсиш содир бўлиши учун, меҳнат ресурсларида мужассамлашган сифатли ишчи кучи ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла иштирок этиши ва иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир субъект ўзидаги меҳнат салоҳиятини тўла сафарбар этиши лозим. Мамлакатда мавжуд меҳнат ресурсларидан мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш самарадорлиги анча паст.

Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари сони бўйича Европа мамлакатлари билан таққослаш мумкин. Лекин Ўзбекистон ушбу улкан салоҳиятдан унумли фойдаланмаяпти. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг кўплиги ва улардан самарали фойланиш орқали иқтисодиётни юксалтиришга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда таълим хизматларини ривожлантириш бошқа хизмат турларига қараганда фойдалироқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатда таълим хизматларини жадал ривожлантириш, жумладан, таълим хизмат турларини халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган инфратузилмани яратиш орқали ҳар бир меҳнат ресурсларидан катта даромад топадиган мамлакатларидан бирига айлантириши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Ўзбекистонда таълим хизматларини ривожлантириш ва турларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Таълим хизматларини ривожлантиришнинг умумиқтисодий муаммолари бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган. М.Н.Кожевникова[1], Е.С.Сахарчук[2], В.В.Вольчик, И.М.Ширяев[3], Н.Г.Муминов, Г.М.Захирова[4] ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Ушбу олимлар асосан таълим хизматларнинг назарий асосларини, уни ривожлантиришнинг амалий муаммолари ва тенденцияларини тадқиқ этишган. Шунингдек, кадрлар тайёрлашдаги аҳамиятини кенг ёритиб берган. Республикамиз иқтисодчи олимларидан М.М.Мухаммедов[5] ва бошқалар мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари, таълим хизматларини сифатини оширишда синергетик самара усулларидан фойдаланиш имкониятлари, таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини, таълим хизматларида бозор муносабатларининг шаклланиши, таълим хизматлари самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Лекин юқорида номлари зикр этилган хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган илмий ишларида таълим хизматларини ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни ривожлантиришнинг ва улкан салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатлари ёритиб берилмаган.

Назарий изланишлар шуни кўрсатдики, “Таълим хизматлар” тушунчаси кишилик жамиятининг турли босқичларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг

муҳим омили ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида шакллана бошлаган. Биз бу атамани давлат бўлиб шаклланган мамлакатларнинг ривожланиш жараёни билан боғлиқ воқеа сифатида баҳоладик. Тадқиқот ишларида[6] таълим хизматларини ХХ асрнинг ўрталарида шаклланганини ва давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларида муҳим рол ўйнагани таъкидланган. Кишилиқ жамиятнинг олдинги даврларида аграр ва индустриал жамиятда таълим хизматлари иккинчи даражаси тармоқ сифатида қаралган. Постиндустриал жамиятда эса таълим хизматлари миллий иқтисодиётда алоҳида тармоқ сифатида муҳим ўрин эгаллади. Тўрт, беш ёки саккиз секторли иқтисодиётда ҳам таълим хизматлари алоҳида сектор ҳисобланади.

Таълим хизматларининг ҳозирги кундаги юқори аҳамияти ва халқаро миқёсидаги мавқеи унга тадқиқотчиларнинг эътиборини кучайтирди. Илмий адабиётларда “Таълим хизматлари”, “Ижтимоий хизматлари”, “Иқтисодий таълим хизматлари”, “Таълим махсулотлари” каби атамалар мавжуд.

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ходимлари таълим хизматларига қуйидаги таърифни беришган: “Таълим хизматлари - бу қобилиятларни такомиллаштириш, ижтимоий етукликка эришадиган шахснинг хатти-ҳаракати ва индивидуал ўсиши ҳисобланади”[7].

Тадқиқотчилар Е.Ф. Усманова, П.В. Малышкин, В.В. Шаббаевлар таълим хизматларини фуқароларнинг ҳуқуқий объекти сифатида қараган[8]. Т.П.Категорская таълим хизматларига қуйидаги таърифни берган: “Таълим хизматлари мақсадли билим ва амалий тажрибани узатиш жараёни сифатида талабаларнинг билим ва кўникмаларни шакллантириш, тегишли кадрларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги профессионал фаолият”[9]. И.Н.Красовский эса таълим хизматларини мураккаб жараён сифатида таърифлаб, унинг меҳнати натижасида юқори қийматли замонавий жихозлар яратилишида хизмат қилади, деб таъкидлайди[10].

Юқорида келтирилган таърифларга бизнинг эътирозимиз шундаки, уларда таълим хизматлари фақат кишиларга билим ва кўникмаларни шакллантириш, тажрибаларни ўтказиш, кадрларни тайёрлаш, сифатини ошириш, деб бир томонлама воқеалик сифатида қаралган. Ваҳоланки, таълим хизматлари фақатгина таълим бериш, кадрларни тайёрлаш билангина боғлиқ бўлмасдан, балки махсулот яратиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Мустақил давлатлар ҳам дўстлиги мамлакатлари олимлари А.С.Лолаева: “.билим ва кўникмаларни узатиш фаолияти, шунингдек маълум кўникмаларни шакллантириш ва тарбиялаш фаолиятидир”[11]. А.Г.Кусов., Л.Р.Дудаева, А.С.Лолаевалар эса ушбу хизмат турига қуйидаги таърифни берган: “Таълим хизматлари бу истеъмолчининг олган билимлари, кўникмалари билан тавсифланади ва якунида ихтисосликка эга бўлади”[12].

С.А.Демина, О.Н.Бекетова, О.Ю.Кожукаловалар иқтисодчи олимларнинг таълим хизматлари тушунчасига берган таърифларни ўрганиб, улар орасидан муҳим жиҳатларни ажратиб олади ва қуйидаги таърифни беришади : “Ахборот ва билим, билимлар тизими, фаолият тури, муносабат, махсулот ва таълим жарёни. Бозор иқтисодиёти шароитида таълим хизматлари ўзига хос махсус махсулотдир”[13].

Тадқиқот методологияси.

Таълим хизматларининг турлари бўйича таснифланишини ёритишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш,

монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот натижаларига мувофиқ хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлари ичида таълим хизматларининг улуши жами хизматлар таркибида камроқ улушини ташкил этади. Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари фикримизнинг ёрқин далилидир:

1-жадвал


Хизмат турларининг ялпи хизматлардаги улуши[14]

№	Хизмат турлари	Хизмат турларининг ялпи хизматлардаги улуши, %
1	Савдо хизматлари	24,8
2	Транспорт хизматлари	22,7
3	Молиявий хизматлар	22,5
4	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	6,4
5	Таълим соҳасидаги хизматлари	4,3
6	Компьютерларни таъмирлаш хизматлари	1,6
7	Бошқа хизматлар	17,7
Жами		100,0

1-жадвал маълумотлари таълим хизматларининг улуши жами хизматлар таркибида 4,3 фоизни ташкил этишини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, таълим хизматларининг кишилик жамияти ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий роли билан белгиланади.

Таълим хизматлар тушунчасини ўрганиш шуни кўрсатдики, уни таснифлашга қаратилган жуда кўп уринишлар мавжуд. Таълим хизматлари кўп қиррали, ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлганлиги учун унинг ягона умум эътироф этилган таснифини яратиш анча муаммо. Ҳар бир мамлакат ўз тажрибаларидан келиб чиқиб таълим турларини ишлаб чиққан. Масалан, Ўзбекистонда таълим турлари асосан еттитани ўз ичига олган. Ҳар бир таълим тури яна алоҳида турларга ажратилади (1-чизма). Миллий таълим тизимимизда амалга оширилаётган бундай ислохотлар туфайли таълимнинг кутилаётган давомийлиги муддати 1990 йилда 13.7 йилни ташкил этган бўлса[15], бу кўрсаткич 2017 йилда 12.0 йилга ташкил этган[16].

Японияда эса таълим турлари Ўзбекистон таълим турларидан фарқ қилади. Улардаги асосий таълим давомийлик даври бўйича мактабгача ва кичик ўрта мактаб турлари муҳим рол ўйнайди. Айнан шу даврда таълим олувчиларга эътибор кучли қаратилади. Бошқа таълим турларида таълим олувчилар асосий марказда бўлса, мактабгача ва кичик ўрта мактаб турларида асосий марказда таълим олувчилардан ташқари таълим берувчилар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади.



1-чизма. Ўзбекистонда таълим турлари буйича таснифи

Японияда таълим турлари қўйидагилардан иборат: мактабгача таълим; бошланғич мактаб; кичик ўрта мактаб; юқори ўрта мактаб; олий ўқув юртлари. Ҳар бир таълим турлари алоҳида таълим турларига ажратилади. Хитой таълим турлари Япония таълим турларидан фарқ қилади. Аммо Ўзбекистон таълим турларига яқин. Бизнинг назаримизда, бунинг асосий сабаби Собиқ Иттифоқ давридаги таълим ислохотларини Хитой давлати таълим сиёсатини шакллантириш андоза сифатида фойдаланган. Аммо шуни алоҳида эътироф этиш керакки, дунёда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирозлар даврида ҳам Хитой давлати ҳар соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришларга эришди. Масалан, 2023 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ 12174 АҚШ долларни ташкил этди[17]. Хитой тарихида бу кўрсаткични рекорд даражада, деб топилди[18]. Хитой спортчилари 2022 йилдаги қишки Олимпиада ўйинларида 9 та олтин медални қўлга киритиб, умумий жамоа ҳисобига 3 ўринни эгаллашган[19]. Шу каби бундай ютуқларни яна кўп давом эттириш мумкин. Бундай ютуқлар негиза таълим хизматларини алоҳида ўрни бор.

Германия таълим турларини ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Германияда таълим қўйидаги турларга бўлинади: элементар таълим; бошланғич таълим; йўналишлар кесимида таълим турлари; олий ўқув юртлари; малака ошириш ўқув муассасалар. Элемент таълим тури ихтиёрий бўлиб ўқув муддати 3 йилни ташкил этади. Бошланғич таълим тури 6 ёшдан қабул қилинади. Ўқув муддати 4 йилни ташкил этади. Йўналиш кесимидаги таълим 4 турга бўлинади. Булар қўйидагилар: асосий мактаблар; реал мактаблар; гимназиялар; комплекс мактаблар. Германия иккинчи жаҳон урушида катта талофат кўрди. Ҳатто иккита давлатга бўлинди. Саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари батамом вайрон бўлди. Ташқи иқтисодий алоқалар издан чиққан. Лекин қисқа фурсат ичида Германия ижтимоий-иқтисодий аҳволини тиклаб олди. Германияда ўрта иш ҳақи 344-3811 еврони ташкил этади[20]. Жаҳон бозорида Германия компаниялари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлари, кўрсатилаётган хизматлари, истеъмолчилар томонидан муҳокамасиз қабул қилинади. Истеъмолчилар ўртасида Германия стандартлари алоҳида эътироф этилади.



2-чизма. Ўзбекистонда янги таълим турлари бўйича таснифи. Муаллиф ишланмаси.

Жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган Германия бундай ютуқларга таълим хизматларини ривожлантириш, турларини такомиллаштириш орқали эришганига шубҳа йўқ.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда мактабгача ва бошланғич таълим турларини алоҳида белгилашимиз, мактабгача таълимни мажбурий, бошланғич таълимни эса бешда тўлганда қабул қилиш тартибини йўлга қўйиш лозим. Чунки юқорида кўрсатилган давлатларнинг таълим хизматлари таснифлагичида болаларни мактабгача таълим хизматларига тўлиқ қамраб олиш ва бошланғич таълим турларида бешдан қабул қилиш қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, таълим турлари бўйича хизматларининг мақсади ва вазифалари бир-бирларига жуда яқин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, уларни алоҳида турларга бўлиш эмас балки, умумлаштирилиб таълим турлари таснифлагичига киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалга оширилган назарий қарашлар ва макроиқтисодий таҳлил натижасида таълим турлари таснифлагичнинг такомиллаштирилган схемасини таклиф қиламиз (2-чизма).

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда тадқиқотларимиз таълим хизматларининг турлари бўйича таснифланиши турли хил эканлигини ҳамда ҳар бир мамлакат ўзининг тарихий тажрибалирдан келиб чиққанлагини ва улар бир-бирларини такрорламасликларини аниқлади. Бизнинг назаримизда таълим хизматларини ягона турлари бўйича таснифлагичи йўқ. Лекин ўхшаш жихатлари мавжуд. Таълим хизматларининг турлари бўйича таснифлагичининг бир хил бўлмасликнинг сабаби шундаки, таълим хизматлари иқтисодий тараққиётнинг асосий драйвери ҳисоланади ва у барча соҳаларга кадрлар етиштириб беради, мамлакатни ривожлантириш салоҳиятидан келиб чиқади, таълим хизматлар экспортини ривожлантиради, янги иш ўринларини яратади. Таълим хизматларининг турлари иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини жадал ривожланишини, кишиларнинг ҳаёт тарзини, дунё қарашини ўзгартириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш усулларида иборат, деган хулосага ҳам келинди.

Таълим хизматлари турлари бўйича таснифлагичини такомиллаштириш учун мактабгача ва бошланғич таълим турларини интеграциялаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кожевникова М. Н. Мир людей. Учить жить вместе, в радости, в добре. Направление социально-эмоционально-этического образования в гуманистической парадигме российского образования. Монография. — СПб.: Издательство РХГА, 2023. 307 с.

2. Сахарчук Е.С. Анализ зарубежных моделей подготовки кадров для сферы туризма: монография. — Кнорус.2022.

3. Вольчик В. В., Ширяев И. М. Дистанционное высшее образование в условиях самоизоляции и проблема институциональных ловушек // Актуальные проблемы экономики и права. 2020. Т. 14, № 2. С. 235–248.

4. Муминов Н.Г., Захирова Г.М. Национальный университет Узбекистана колыбель университетского образования и Академической науки в регионе. Монография. Сер. «Евразийские университеты XXI века» Москва, 2022. С.290-304.

5. Мухаммедов М.М., ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмнинг ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. “Зарафшон нашриёти”, Самарқанд, 2017.-300 б.

6. Канунникова А.М. Экспорт образовательных услуг России в условиях современных вызовов развития глобальной экономики. Специальность: 5.2.5-Мировая экономика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.: 2024. 182 с., С.26.

7. Организационные вопросы системы образования // Электронный-учебно-методический комплекс : [сайт]. – Текст : электронный. – DOI отсутствует. – URL: http://www.kgau.ru/distance/mf_01/timofeeva-orgosn-obr/2_2.html (дата обращения: 10.12.2024).

8. Усманова Е.Ф., Малышкин П.В., Шаббаев В.В. Понятие образовательных услуг как объекта гражданских прав в Российской Федерации. Аграрное и земельное право. 2020. №3. С.77-79.

9. Категорская Т.П. Совершенствование оценки качества образовательных услуг в сфере высшего образования. Специальность-5.2.3. Региональная и отраслевая экономика (Экономические науки). Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Красноярск-2023. 178 с. С. 17.

10. Красовский И.Н. Регулирование мирового рынка образовательных услуг // Вестник ОрелГИЭТ. – 2019. – № 1 (47). – С. 61-64. URL: https://www.elibrary.ru/download/elibrary_39275938_82497079.pdf (дата обращения: 09.12.2024).

11. Kungratov Ilmurod Kuzibay ugli and Abdumitalibova Rayhona 2024. SECURING TRAVEL EXPERIENCES: THE IMPACT OF TRANSLATION ON TOURISM INSURANCE ACCESSIBILITY. Insurance market of Uzbekistan. 1, 11 (Nov. 2024), 36–38. DOI:https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss11/219.

12. Лолаева А.С. Цифровые права в структуре объектов гражданских прав // Аграрное и земельное право. 2019. № 6. С. 47-49.

13. Кусов А.Г., Дудаева Л.Р., Лолаева А.С. Понятие, виды и значение образовательных услуг. Научные междисциплинарные исследования: сборник статей XVI Международной научно-практической конференции. – Саратов: НОО «Цифровая наука». – 2021. – 385 с. С.310.

14. Демина С.А., Бекетова О.Н., Кожукалова О.Ю. Образовательная услуга как социально-экономическая категория. Экономика и управление народным хозяйством 2020. №2., С.23-24.

15. Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. 2022 йил. Б.6.

16. <http://istiqlol.samdu.uz/uzl/xxi/4>

17. <http://hdr.undp.org/sites/default/files/Country-profiles/UZB.pdf>

18. <https://ru.tradingeconomics.com/china/gdp-per-capita> (02.01.2025 г).

19. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/02/20/pekin-2022/> (02.01.2025 й).

20. <https://xabar.uz/xorij/germaniyada-qancha-maosh-ber> (02.01.2025 й).